

**“ТОШЛОҚ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ  
ЙИФИЛИШИ  
2-СОН БАЁННОМАСИ**

**Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар  
Мустакиллик қўчаси 312-уй**

**2023 йил 26 июл**

Навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Фарғона шаҳар Мустакиллик қўчаси 312-уй “Тошлоқ пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 4 485 248 донани ташкил этади.

“Тошлоқ пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2023 йил 3 июлдаги 38-сонли таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши қарорига мувофиқ 2023 йил 26 июл куни ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 6 июл.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис А.Махсумов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қўйидагилар сайланди:

1. Халилов Ботиржон Абдуғаффаровиҷ – “Фарғонапахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси;

2. Акрамов Ёркин Толибжонович – жамият акциядори, “Тошлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси;

3. Мўминов Лазизжон Ўрмонжонович - “Тошлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Л.Мўминов ва йиғилиш котиби этиб А.Махсумов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Л.Мўминов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси Г.Каримжановага берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 21 июл ҳолатига шакллантирилган “Тошлоқ пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 649 та акциядорга тегишли **4 485 248** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **2 890 176** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 (уч) та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 64,4 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ш.Мирзаев – жамият Бош директори;

М.Хамидов – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Л.Мұмінов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МСНДнинг Давлат активларини бошқариш агентлигига 2023 йил 15 июндаги 46-сонли мурожаатини кўриб чиқиш.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Л.Мұмінов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуенинг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетеңларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 6 июлдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – А.Махсумов, Жамият хисобчиси – Г.Каримжанова, Жамият бош хисобчиси – М.Хамидовлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетең орқали овоз беришларини сўради.

### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100%) 2 890 176 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ

Нотўғри тўлдирилган бюллетеңлар йўқ.

Кун тартибидаги **биринчи масала бўйича** акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Уч кишидан иборат қўйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансан:
- 1) А.Махсумов;
- 2) Г.Каримжанова;
- 3) М.Хамидов.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Л.Мұмінов сўзга чиқиб акциядорларни “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖнинг Давлат активларини бошқариш агентлигига 2023 йил 15 июндаги 46-сонли мурожаати ва “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2023 йил 19 июн кунги №17-414-сонли топшириғи ҳамда “Фарғонапахтасаноат” АЖнинг 2023 йил 3 июл кунги №01/73-сонли хатлари билан таништириди (мурожаатлар илова қилинади).

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига асосан “Тошлок пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли “Заркент” ва “Горбобо” пахта тайёрлаш масканлари бино-иншоотлари “EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖга инвестиция киритган ҳолда 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотиш белгиланган.

Шунга кўра, “Kontinent imkon baho” МЧЖнинг 2019 йил 10 майдаги ва “Промсистем” МЧЖнинг 2020 йил 22 июлдаги баҳолаш хисоботларига асосан “Тошлок

пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли “Заркент” ва “Горбобо” пахта тайёрлаш масканлари мол-мулклари жами 31 685,3 млн. сўмга (бино-иншоотлари - 19 315,0 млн. сўм ва асбоб-ускуналар - 12 370,3 млн.сўм) баҳоланган.

“Тошлок пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2020 йил 14 февралдаги ва 21 сентябрдаги умумий йигилиши қарорларига асосан жамият мол-мулклари “EXPO KOLLOR PRIN TEKS ” МЧЖга баҳоланган қийматда жами 34 457,5 млн. сумга (КҚС билан) 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан сотилган:

- жамиятга қарашли “Заркент” ва “Горбобо” пахта тайёрлаш масканлари бино ва иншоотлари 2019 йил 5 августдаги 62-сонли шартномага асосан 9 733,7 млн. сумга сотилган.

- “Тошлок пахта тозалаш” АЖ бино ва иншоотлари 2020 йил 22 сентябрдаги 3-сонли шартномага асосан 11 929,5 млн. сумга;

- “Тошлок пахта тозалаш” жамияти ва унга қарашли “Заркент” ва “Горбобо” пахта тайёрлаш масканлари асбоб-ускуналари 2020 йил 1 октябрдаги 4-сонли шартномага асосан 12 794,3 млн. сумга сотилган.

“EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖ кластер корхонаси томонидан юқоридаги шартномаларга мувофиқ бугунги кунга қадар 19 235,4 млн. сўм тўланиши лозим бўлсада, амалда 12 638,5 млн. сўм тўланган бўлиб, 6 972,7 млн. сўм муддати ўтган қарздорлик мавжуд.

“EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖ 2023 йил 15 июндаги 46-сонли мурожаатида ҳозирги кунда минтақа ва дунё микиёсида иқтисодий-сиёсий жараёнлар жаҳон бозоридаги танглик ҳолати пахта котировкасини 130 дан 80 га тушиб кетиши, пахта маҳсулотларига талабни кескин пасайиши натижасида молиявий ҳолатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келганлиги, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва пахта хом-ашёсини етиштириш учун олинган кредитларни ўз вақтида қайтаришда жиддий муаммоларга дуч келганлиги, пахта кластери корхонасининг фаолиятини молиявий соғломлаштириш мақсадида шартномалар бўйича 34 457,5 млн. сўмни тўлов графигига ўзгартириш киритишни (2022 йилги 6428,2 млн. сўм қарздорликни - 2026 йилда ва 2023 йилги 6428,2 млн. сўм тўловни - 2027 йилда бўлиб тўлашни) сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандига мувофиқ мазкур комиссия давлат активларини сотишнинг (тендер, танлов, кимошди, биржа) шартлари ва шаклларини, шунингдек, зарурат бўлганда Давлат активларини бошқариш агентлигининг таклифига мувофиқ давлат мулкини хусусийлаштиришнинг умумурнатилган тартибидан бошқа шакл ва усулларини, муддатлари ва шартларини белгилаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 9-бобларига асосан жамият томонидан мол-мулкни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ битим тузиш, мол-мулкнинг қийматидан келиб чиқиб, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари қарори асосида амалга оширилади.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖнинг 2023 йил 15 июндаги 46-сонли мурожаатига асосан “Тошлок пахта тозалаш” АЖ мол-мулкини “EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖга сотиш бўйича 2019 йил 5 августда, 2020 йил 22 сентябр ва 1 октябрда тузилган шартномаларнинг тўлов муддатларига ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиб бўйича Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига таклиф киритилган.

Шунга кўра, бугунги кунда Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси томонидан “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖнинг “Тошлок пахта тозалаш” АЖ билан 2019 йил 5 августда, 2020 йил 22 сентябрь ва 1 октябрда тузилган шартномалари тўлов муддатларини ўзгартириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Мазкур комиссия хулосаси дан келиб чиқиб, “EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖ билан “Тошлок пахта тозалаш” АЖ ўртасида тузилган 2019 йил 5 августдаги 62-сонли, 2020 йил 22 сентябрдаги 3-сонли ва 1 октябрдаги 4-сонли шартномалар шартномалар тўлов графигига ўзгартириш киритиш таклиф этилди.

Жамият йирик акциядори Ё.Акрамов сўзга чиқиб, агар кластер корхонаси 2022 йилги қарздорликни 2026 йилга ва 2023 йилги қарздорликни 2027 йилда бўлиб тўлашни сўраётган бўлса, демак кластер корхонаси 2024 ва 2025 йиллар учун график бўйича тўловларни амалга оширадиган бўлса, 2023 йил учун умуман тўловлар амалга оширилмаслиги маълум бўлмоқда. Бундай холатда 2023 йил учун мўлжалланган жамиятнинг харажатлар сметасида назарда тутилган харажатлар учун жамиятда маблағ бўлмайди. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун хам ўз-ўзидан маблағ бўлмайди. Бунда жамият қандай фаолият юритиши, фаолият юритиши учун маблағ керак бўлишини таъкидлаб, Республика Давлат тендер комиссияси таклифларини инобатга олган холда тузилган шартномаларга ўзгартиришлар киритилишида бу масалани хам назарда тутилишини мақсадга мувофиқ бўлишлигини, тарафлар ўртасида тузилган шартномалар графикларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, жамиятнинг 2023 йил учун ишлаб чиқилган харажатлар сметасида назарда тутилган харажатларни “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖ томонидан шу йили қоплаб беришини таъкидлаб ўтди.

Юқоридаги мурожаатни кўриб чиқиб, юқорида зикр қилиб ўтилган фикрларни инобатга олиб, Бунда, тарафлар ўртасида тузилган шартномалар графикларига ўзгартиришлар киритишда жамиятнинг 2023 йил учун ишлаб чиқилган харажатлар сметасида назарда тутилган харажатларни “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖ томонидан шу йилнинг ўзида қоплаб бериш таъкидлаб ўтилди.

Йифилишда раислик қилувчи Л.Мўминов акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**  
**“Ёқлаганлар” – (100%) 2 890 176 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ**  
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йифилиши қарор қиласди:

1. “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖнинг Давлат активларини бошқариш агентлигига 2023 йил 15 июндаги 46-сонли мурожаати маълумот учун қабул қилинсин.

2. “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” МЧЖнинг 2023 йил 15 июндаги 46-сонли мурожаатига асосан “Тошлок пахта тозалаш” АЖ мол-мулкини “EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖга сотиш бўйича тузилган шартномаларнинг тўлов муддатларига ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиш бўйича Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясига таклиф киритилганлиги инобатга олинсин.

3. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси хулосасидан келиб

чиқиб, “EXPO KOLLOR PRIN TEKS” МЧЖ билан “Тошлок пахта тозалаш” АЖ ўртасида тузилган 2019 йил 5 августдаги 62-сонли, 2020 йил 22 сентябрдаги 3-сонли ва 1 октябрдаги 4-сонли шартномалар ҳамда уларга илова этилган тўлов графикларга тегишли ўзгартиришларни киритиш “Тошлок пахта тозалаш” АЖ раҳбарига юклатилисин.

4. Тараплар ўртасида тузилган шартномалар ва уларга илова этилган тўлов графикларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда жамиятнинг 2023 йил учун ишлаб чиқилган харажатлар сметасида назарда тутилган харажатларни “EXPO KOLLOR PRINT TEKS” MCHJ томонидан шу йилнинг ўзида қоплаб берилиши назарда тутилсин.

Йифилишда раислик қилувчи:



/  /

Л.Мўминов

Йифилиш котиби:

/  /

А.Махсумов

Йифилиш баённомаси 2023 йил 27 июль куни икки нусхада тузилди.